



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ЎРХОНДАРЙО ВІЛОЯТИ ҚУМҚО'РГ'ОН ТУМАНИ НОКІМІНІНГ
Қ А Р О Р І

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2020 -yil “ 3 ” декабр . Қ-1861 -son

Qumqo'rg'on t.

Тумандаги “Бўстон” маҳалласи худудидан фуқаро Жумаев Дилшодга деҳқон хўжалиги юритиш учун 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 55-моддаларига асосан, Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 19 октябрдаги далолатномаси, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг 2020 йил 19 октябрдаги хулосасини ўрганиб чиқиб, фуқаро Жумаев Дилшоднинг аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунининг 5, 8-моддаларига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ер майдонлари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2020 йил 19 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Тумандаги “Бўстон” маҳалласи худудидан хўжалик харитасида 1188к, 1198к-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захира ер майдонидан фуқаро Жумаев Дилшодга деҳқон хўжалиги юритиш учун 1,0 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони умрбод эгалик қилиш учун ажратиб берилсин.

3. Деҳқон хўжалиги бошлиғи Жумаев Дилшод зиммасига Ўзбекистон Республикаси “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя қилиш ҳамда ажратилган ер майдонидан самарали фойдаланиш, бино ва иншоотлар курмаслик фақат қишлоқ хўжалиги ва экспортбоп маҳсулотларини етиштириш ва ҳар йили экспорт қилиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талабига асосан ажратилган ер майдонидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланганда мазкур қарор бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши белгилаб қўйилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи в.в.б (Х.Йўлдошев)га, туман захира ер майдониға тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Турсунов)га туман статистика бўлими (Ш.Аллаёров)га “Бўстон” МФЙ (Ш.Мамашаев)ларга янги ташкил этилган деҳқон хўжалигини руйхатға олиш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиғи масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи в.в.б Х.Йўлдошевлар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров

ТО'Г'РИ
Z'BEKISTON RESPUBLIKAS
SURXONDARYO VILOYAT
QUMQO'RG'ON TUMAN
HOKIMI UMUMIY
BO'LIM MUDIR